Ўтмишга берилган баҳо, албатта, холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур.

Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишда ўтган даврда археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади.

Шунинг учун Фанлар академиясининг Археология ва Санъатшунослик институтлари фаолиятини, олий ўқув юртлари ва музейлардаги археологик изланишларни чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарур.

Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида **“Ўзбекистон тарихи”** каналини ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш керак.

Мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳар бир музейнинг каталогини яратиш лозим.

Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда бу борада тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, ислоҳот, бу — янгиланиш, ўзгариш дегани. Ислоҳотлар ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради.

Бу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари, барча етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этишларини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этиш — олдимизга қўйган вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.

Бу борада қуйидаги долзарб масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчидан, парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш лозим.**

Ҳозирги кунда Конституцияга мувофиқ, парламент Бош вазирни тасдиқлайди. Лекин вазирларни лавозимга қўйишда қатнашмайди.

Шунинг учун Ҳукумат аъзолари парламент олдида масъулиятни етарли даражада ҳис этаётгани йўқ. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиётини киритишни таклиф этаман.

Бўлажак вазир парламент аъзолари олдида соҳани ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилсин ва унга эришиш йўлларини асослаб берсин.

Бир сўз билан айтганда, лавозимга муносиб эканини исботласин.

Айни вақтда жойлардаги маҳаллий Кенгашларда ҳам вилоят ва туман идоралари раҳбарларини тасдиқлаш бўйича мана шундай амалиётни жорий этиш керак.

Парламент назоратининг таъсирчан шаклларидан бири бўлган Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқишга алоҳида аҳамият беришимиз зарур. Бу ишни юқори профессионал даражада йўлга қўйиш учун **Олий Мажлис қошида Давлат бюджети бошқармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.**

**Иккинчидан, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш зарур.**

Барча давлатларда Ҳукумат ислоҳотлар ижроси учун жавоб берадиган юқори ваколатли орган ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ҳукумат комплекслари таркибига 160 дан ортиқ идора ва ташкилотлар киради, Бош вазирнинг соҳа ва тармоқлар бўйича 8 нафар ўринбосари мавжуд.

Лекин Вазирлар Маҳкамаси ва унинг таркибидаги идораларнинг ислоҳотлар жараёнидаги ўрни бугунги кун талабига жавоб берадими? Бу саволга, афсуски, ижобий жавоб беролмаймиз.

Вазирлар ва компания раҳбарлари арзимаган масала бўйича ҳам Вазирлар Маҳкамасига қатнашга ўрганиб қолган. Оқибатда, Ҳукумат фақат кундалик жорий масалаларни ҳал қиладиган тузилмага айланиб бормоқда.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш эса эътибордан четда қолмоқда.

2019 йилга **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”**, деб ном берганимиз муносабати билан Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг чет элдаги ваколатхоналари ҳам ўз ишини қайта кўриб чиқишлари лозим бўлади.

Бундан буён бизнинг хориждаги элчиларимизга ҳам талаб ўзгаради. Уларнинг фаолиятига, биринчи навбатда, инвестицияларни жалб қилиш бўйича қандай ишлаётганига ҳамда ана шу инвестиция миқдорига қараб баҳо берилади.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, Ҳукумат ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идоралар фаолиятини оптималлаштириш ва такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш, раҳбар кадрларнинг шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш вазифаси юклатилади.

Президент қабулхоналарининг икки йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатдики, биз яқин ўтмишда халқдан, унинг ташвиш ва муаммоларидан анча узоқлашиб қолган эканмиз.

Биз фуқаролар билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олиб, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишимиз, илғор давлат менежменти ва “ақлли” бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтишимиз лозим.

Бу шуни билдирадики, энди давлат муассасалари бевосита фуқаро билан ишлашга ўтади.

Давлат идоралари халққа, жумладан, тадбиркорларга яқин кўмакчи бўлиши зарур.

Давлатнинг бошқарув соҳасидаги баъзи функцияларини давлат-хусусий шериклик асосида, жумладан, “аутсорсинг” шаклида хусусий секторга топшириш лозим.

**Учинчидан**, **давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш зарур.**

Бугун оддий бир ҳақиқатни тан олишимиз керак. Давлат идораларида малакали ва етук кадрлар етишмаяпти.

Ҳанузгача давлат хизматчиларининг мақоми белгиланмаган, давлат хизматига қабул қилишнинг ошкора механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун, аввало, давлат хизматчилари фаолиятини холисона баҳолаш бўйича самарали тизим жорий этиш зарур.

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Давлат органларида эртага, истиқболда қандай вазифалар долзарб бўлиши, содда қилиб айтганда, беш, ўн, йигирма йилдан кейин қандай муаммолар олдимизда кўндаланг бўлишини прогноз қиладиган тизим ҳали шаклланганиӣ йўқ.

**Президент Администрациясига тармоқлар фаолиятини самарали бошқаришда стратегик таҳлил, режалаштириш ва прогноз тамойилларига асосланган узоқ муддатли давлат сиёсати Концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади.**

Бунда давлат бошқаруви идораларида стратегик таҳлил ва прогнозлаштириш тузилмаларини ташкил этиш лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида алоҳида Эксперт кенгаши ташкил этилиб, унга хорижий мамлакатларнинг нуфузли олимлари ва амалиётчилари жалб қилиниши лозим.

**Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада оширишимиз лозим.**

Ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда аксарият ҳокимларда масъулиятни ўз зиммасига олиб, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускорлик етишмаяпти.

Маълумки, 2018 йилда Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида давлат бошқарувининг янги тартиби жорий этилиб, шаҳар ҳокими ва туман ҳокимларига молия, иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, уй-жой ва коммунал хизмат соҳалари раҳбарларини тайинлаш ваколати берилди.

Натижада 30 дан ортиқ комиссия ва кенгашлар тугатилиб, уларнинг ваколатлари тегишли ҳудудий органларга берилди. Самарасиз ишлаётган 12 та давлат унитар корхонаси тугатилди.

**(Давоми 4-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

Давлат бюджетига тушадиган маблағларнинг бир қисмини маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш тартиби ўрнатилгани туфайли Тошкентда солиқ тушуми прогнозга нисбатан 2 триллион сўмга кўпайди.

Давлат бошқаруви соҳасида ижобий натижа бераётган ана шу экспериментни энди бошқа ҳудудларда ҳам жорий этишимиз зарур.

Келгусида ҳокимнинг айни вақтда халқ депутатлари Кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатишига доир тартиб бекор қилиниши лозим.

Олий Мажлис палаталари раҳбарларига (Н. Йўлдошев, Н. Исмоилов) 2019 йил давомида ушбу масалаларни парламентда атрофлича муҳокама қилиб, амалий чоралар дастурини қабул қилиш тавсия этилади.

Келгуси йили мамлакатимизда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга навбатдаги сайлов ўтказилади.

Юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсий жараённи миллий қонунчилигимиз ва халқаро стандартлар асосида юқори савияда ўтказиш учун ҳар томонлама тайёргарлик ишларини бошлашимиз зарур.

**Бешинчидан, халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият, балки ҳаётий тамойилга айланиши шарт.**

Аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш янги йилда ҳам фаолиятимизнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолади.

Ҳурматли сенатор ва депутатлар!

Сизларга маълумки, юртимизда сўнгги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу ўзгаришлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, одил судловга эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган.

Мен бу масалага Конституция кунига бағишланган анжуманда атрофлича тўхталиб ўтганим учун бу ҳақда батафсил гапирмоқчи эмасман.

Фақат мазкур соҳада олдимизда турган асосий устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчидан**, **суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозим.**

Судьялар корпусини шакллантириш тизимини суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига тўлиқ мослаштириш, бу жараёнда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш зарур.

Бунинг учун туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини танлаш ва тайинлаш вазифасини Судьялар олий кенгаши тўлиқ ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада жамоатчилик фикри ва судьяларнинг улар олдида ҳисобот бериш масаласи ўз ифодасини топиши зарур.

**Иккинчидан, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш талаб этилади.**

Жорий йилда ушбу йўналишда кўпгина ишлар қилинди.

Жумладан, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш мақсадида профилактика инспекторлари учун 6 ярим мингдан зиёд хизмат уйлари, 1 минг 100 та шахсий уй-жой, 7 мингта шахсий автомобиль берилди.

Шу билан бирга, Миллий гвардия ходимлари учун ҳам 1 минг 800 та уй-жой қурилади.

2018 йилда 3 минг 205 та маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмагани ҳам шу ишларимиз натижаси, десак, тўғри бўлади. Лекин хотиржамликка берилишга ҳали эрта.

Одамлар тинч яшаши учун бутун мамлакатимизда жиноятдан холи муҳит яратишимиз шарт.

Биз Ички ишлар вазирлиги тизимида ваколат ва функцияларни қуйи бўғинга тушириб, уни чинакам халқчил тизимга айлантиришимиз зарур.

Бу борада илмий ёндашув ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этамиз.

Ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳар қайси ҳудуд ўз тажрибасини яратиши керак.

Бу борадаги ишлар самарасини ошириш учун ички ишлар вазири, Миллий гвардия қўмондони ва Бош прокурор республика ҳудудларига шахсан масъул этиб белгиланади.

Жиноятчиликка қарши курашда, биринчи навбатда, ижобий натижага эришган профилактика инспекторлари ва маҳалла фаолларини рағбатлантиришни кучайтириш зарур.

Вазифасини сидқидилдан бажарган ходимларга янги тузилган Махсус жамғарма ҳисобидан устама ҳақ тўланади ва уларнинг меҳнатлари қўшимча рағбатлантирилади.

Бугунги кунда номига фаолият кўрсатаётган "Маҳалла посбони" лавозимини тугатиш вақти келди.

Унинг ўрнига профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилади.

Бу лавозимга жойларда малакали ҳуқуқшунос, масалага қонун нуқтаи назаридан ёндашадиган фидойи кадрлар ишга олинади.

Биз қанчалик қийин бўлмасин, чекка-чекка ҳудудларда ҳам "Жиноят ҳақиқати ва адолати" тамойилини албатта жорий этишимиз керак. Яъни жиноят сўзсиз фош этилиши ва айбдор жазоланиши шарт.

Бу масалага фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси, деб қарамасдан, бутун жамиятимиз бирлашиб, қаттиқ кураш олиб бориши зарур.

**Учинчидан, жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозим.**

Нега деганда, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари қарийб 25 йил олдин қабул қилинган. Ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш тарзи, онги, дунёқараши ўзгарди.

Шу сабабли бу кодекслар бугунги давр талабларига жавоб бермай қолди.

Маълумки, қонунчиликда жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид моддалар бор.

Лекин улар терговчи ёки судьянинг ихтиёрига, яъни инсон омилига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак.

Акс ҳолда биз учун муқаддас бўлган адолат мезони бузилади.

Шунинг учун жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Шу мақсадда Бош прокурор раҳбарлигидаги идоралараро комиссия 2019 йил 1 июлга қадар Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларининг янги лойиҳаларини тайёрлаши лозим.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Мамлакатимизнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш — барча ютуқларимизнинг бош гаровидир.

Бу борада қуйидаги вазифалар долзарб аҳамиятга эга.

**Биринчидан, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини, Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини ошириш, миллий мудофаа саноати комплексини шакллантириш, ҳар қандай хавф-хатарга қарши доимо шай туришимиз лозим.**

Мамлакат мудофаасини ҳарбий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича бошланган ислоҳотларни мантиқий якунига етказиш керак.

Мудофаа вазирлиги икки ой муддатда мудофаа саноати комплексига кирадиган корхоналарни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин.

Яна бир муҳим масала. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиб, давлатимиз чегара хавфсизлигини кучайтириш ва назорат сифатини ошириш лозим.

Қуролли Кучларимизда жанговар руҳни юксалтириш, аскар ва офицерларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга эътиборни янада кучайтиришимиз керак.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши лозим.

**Иккинчидан**, **экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш эътиборимиз марказида туриши зарур.**

Сув хўжалиги вазирлиги 2019 йил давомида минтақадаги давлатлар экспертлари билан биргаликда Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Ҳозирги вақтда Орол фожиаси туфайли 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқум саҳроси пайдо бўлди.

Ҳар йили 100 миллион тонна қум ва туз ҳавога кўтарилмоқда. Бу эса Орол ҳалокати глобал муаммо эканини яна бир бор исботламоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида "Траст фонди"**нинг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди.

Биз Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутерриш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институтларидан, ҳамкор давлатлардан миннатдормиз.

Биз Орол денгизининг сувсиз қолган ҳудудида яшил ўрмонлар барпо этишга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Агар мустақиллик йилларида Ўзбекистон бўйича 1 миллион 220 минг гектарга яқин ўрмонзор яратилган бўлса, шундан 400 минг гектардан ортиғи айнан Оролбўйи ҳудудида барпо этилган.

Бу масалада қабул қилинаётган махсус дастурга кўра, Орол денгизининг сувсиз ҳудудида келгуси йилда яна 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилади.

Аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва қишлоқларида янги қурилишлар амалга оширилади.

Хусусан, Мўйноқ туманида барча зарур инфратузилмаларга эга бўлган замонавий шаҳарча бунёд этилади.

**Учинчидан**, **очиқлик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни давом эттириш ва унинг самарадорлигини янада ошириш чораларини кўришимиз зарур.**

Сиёсий-иқтисодий муносабатлар доирасини кенгайтириш учун чет давлатларда Ўзбекистоннинг янги ваколатхоналарини очиш, ходимлар сонини кўпайтириш керак.

Халқаро майдонда мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий манфаатларини илгари суриш учун давлатимизнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий фаолиятига доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси ва Хавфсизлик кенгаши аппаратига ушбу масалага доир қонун лойиҳасини 1 апрелгача ишлаб чиқиш топширилади.

Биз келгуси йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар, биринчи навбатда, Россия Федерацияси билан, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Корея Республикаси ва Япония билан муносабатларимизни янада ривожлантиришга қаратилган фаол ташқи сиёсат олиб борамиз.

Бизни ўзаро муштарак тарихий-маданий ва маънавий қадриятлар билан боғлаб келадиган мусулмон дунёси мамлакатлари билан ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Айни шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, биз хорижий шерикларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни барча соҳаларда амалий мазмун билан янада бойитиш тарафдоримиз.

Биз ўз ташқи сиёсатимизда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган аниқ ва равшан стратегияга таянамиз.

Бу борада Ўзбекистон минтақадаги қўшни давлатлар билан, шунингдек, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон билан амалий ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришни муҳим вазифа, деб билади.

Ушбу стратегияни амалга оширишда қўшни Афғонистон алоҳида ўрин эгаллайди.

Биз халқаро ҳамжамиятни Афғонистон ҳукумати раҳбарлигида тинчлик музокараларини бошлаш заруратини қўллаб-қувватлашга даъват этдик.

Шу муносабат билан, 2018 йилнинг март ойида Афғонистон бўйича ўтказилган юқори даражадаги Тошкент конференцияси замонавий Афғонистон тарихида халқаро миқёсдаги энг қамровли анжуман бўлганини таъкидлаш лозим.

Конференция якуни бўйича қабул қилинган, унинг барча қатнашчиларининг якдил позицияси ифода этилган **"Тошкент декларацияси"** Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўзига хос Дастур бўлди.

Айнан ушбу конференциядан сўнг Афғонистондаги барча сиёсий кучлар, жумладан, "Толибон" ҳаракати иштирокида музокаралар жараёнини бошлашга қаратилган халқаро ҳаракатлар янада фаоллашди.

Ўзбекистон Афғонистон раҳбарияти ва мамлакатнинг етакчи сиёсий кучлари, жумладан, "Толибон" ҳаракати вакиллари билан бир қатор муҳим музокаралар ўтказди.

Ушбу сиёсий кучлар афғон муаммосини ҳал қилишда Ўзбекистон самарали воситачи бўла олиши мумкинлигини эътироф этдилар.

Маълумки, Афғонистондаги вазиятни барқарор этишнинг муҳим шарти — мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклашдан иборат.

Бу борада биз Афғонистонда транспорт ва логистика, энергетика, савдо ва таълим соҳаларида йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришдик.

Ўзбекистон томонидан қурилаётган Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линияси, Термиз шаҳрида афғон фуқароларини ўқитиш учун очилган Таълим маркази, божхона терминалига ҳам эга бўлган "Термиз-карго" логистика маркази, Мозори Шариф — Ҳирот ва Мозори Шариф — Кобул — Пешавор темир йўл линияси лойиҳалари ишлаб чиқилаётгани шундан далолат беради.

Ўзбекистон афғон муаммосини ечиш учун бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

Биз учун энг муҳим пировард натижа — Афғонистонда тинчлик музокараларини бошлаш ва миллий ярашувга эришишдан иборат.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради.

Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади.

Бу — бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Хабарингиз бор, яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат — **"Маърифат ва диний бағрикенглик"** резолюцияси қабул қилинди.

Ушбу резолюцияни қабул қилиш ташаббуси 2017 йил сентябрь ойида Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган эди.

Бизнинг таклифимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 193 та давлат кенг қўллаб-қувватлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо ва эътироф сифатида барчамизга катта мамнуният ва ғурур-ифтихор бағишлайди.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, бугунги анжуманимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида ҳар бир йил улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, юртимизни равнақ топтириш бўйича янги-янги ютуқлар, билим ва тажрибалар даври бўлиб қолмоқда.

Биз янги йилдан бошлаб сиёсий ҳаётимизда яна бир амалиётни жорий этамиз. Кириб келаётган йилнинг бош ҳужжати бўлган Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича Бош вазир ва ҳукумат аъзолари амалга оширилган ишлар ҳақида Сенат ва Қонунчилик палатаси олдида ҳар чоракда ҳисобот бериб боради.

Бу жараён оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиши лозим.

Шу тариқа фуқаролар Мурожаатномада белгилаб берилган вазифаларни бажариш бўйича ҳукумат қандай иш олиб бораётганидан хабардор бўлади.

Яъни ҳукумат фаолиятига халқнинг ўзи баҳо беради.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз, 2019 йил учун белгилаб олган режа ва дастурларимизни амалга ошириш, албатта осон бўлмайди.

Ҳали фақат қоғозда бўлган бу режа ва дастурларни амалий ишларга, реал натижага айлантириш учун барчамиз биргаликда қаттиқ меҳнат қилишимиз керак.

Бу йўлда бизга ишонч ва илҳом, ғайрат ва шижоат берадиган беқиёс бир куч-қудрат борки, биз унга таяниб, ўз мақсадларимизга албатта етамиз.

**Бу — ҳаёт синовларида тобланган, сўзида қатъий турадиган, ишнинг кўзини биладиган, меҳнаткаш, мард ва матонатли халқимиздир.**

Биз бугун кўп миллатли халқимизга, барчамизнинг умидимиз ва суянчимиз бўлган ёшларимизга ишониб, маррани катта олмоқдамиз.

Азиз фарзандларимиз, набираларимиз бахтини, камолини ўйлаб, эл-юртимизнинг, халқимизнинг ёруғ келажагини кўзлаб, олдимизга улкан вазифалар қўймоқдамиз.

**Нияти улуғ халқнинг — иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.**

**Биз демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга — янги, юксак марралар сари борамиз.**

**Янги Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш — Яратганнинг ўзи бизга берган тарихий имконият, десак, тўғри бўлади.**

Барчамиз буни чуқур англашимиз, қадрига етишимиз зарур.

Жонажон Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчини шараф билан бажариш ҳаммамизга насиб этсин!

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, бутун халқимизни яқинлашиб келаётган янги — 2019 йил билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларингизда омад ва муваффақиятлар тилайман.

Эзгу орзу-ниятларимизни, режаларимизни амалга оширишда Яратганнинг ўзи барчамизга мададкор бўлсин.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИНГ ШИДДАТИ ОШАВЕРАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилашга қаратилган ушбу дастуриламал даражасидаги нутқ асосида жорий йил учун пухта амалий режалар тузилди, халқимизга муносиб ҳаёт барпо этиш йўлида эзгу ташаббуслар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатнома режаларини ҳаётга изчил жорий этишнинг дастури сифатида мамлакатимизда 2018 йилни "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилишни таклиф этди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг навбатдаги босқичи бўлган 2018 йилда эл-юртимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида тўла маънода улкан бунёдкорлик, қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бу сафарги Мурожаатномада ҳам якунланаётган йилда амалга оширилган ишлар ва келаси йилга мўлжалланган режалар, Ватанимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги асосий тамойиллар баён этилгани билан барчада катта қизиқиш уйғотди.

2018 йилда аҳолининг реал даромадлари 2017 йилдагига нисбатан 12 фоиз ошди. Солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилгани, бу ўтган йилдагига нисбатан 6 баробар, 2016 йилдагига нисбатан эса 32 баробар кўп бўлгани қайд этилди.

Одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун қулай шароит яратиш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 416 та қишлоқ янгича қиёфа касб этди. "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар — келажагимиз" дастурларини изчил татбиқ этишга киришилди.

Мурожаатномада ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида ҳам муҳим қадамлар қўйилгани қайд этилди. Очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, одамларнинг ҳаёт шароитини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Президент Шавкат Мирзиёев таклифига мувофиқ, жорий йилдаги ишларни мантиқий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида 2019 йил мамлакатимизда **"Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"** деб эълон қилинди.

Қисқача айтганда, кириб келаётган йилнинг бош ҳужжати бўлган Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш ижроси мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очади, халқимизнинг янги, янада юксак марраларни қўлга киритишида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ВАТАН ИСТИҚБОЛИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОШ ҲУЖЖАТ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси парламент аъзолари, кенг жамоатчилик ҳамда турли соҳа вакиллари томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди.

## ФИДОКОРЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

*2019 йилда қилишимиз зарур бўлган энг муҳим йўналишлар Мурожаатномада белгилаб берилди. Унда парламентимиз, хусусан, биз, депутатларнинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалар, келгуси йилда амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар аниқ ва таъсирчан баён этилди.*

Давлатимиз раҳбари халқаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш, яқин қўшниларимиз билан алоқаларни дўстона, очиқ, ўзаро ишонч руҳида изчил давом эттириш, мамлакатимизнинг стратегик ҳамкор сифатида халқаро майдондаги обрўси ва нуфузини ошириш борасидаги ислоҳотларимизни чуқурлаштириш нақадар муҳим эканини таъкидлади.

Биргина 2018 йилда давлатимиз томонидан 18 та давлатлараро расмий ташриф амалга оширилгани ҳамда 52 млрд. долларлик 1080 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилгани, Жаҳон банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа нуфузли халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар портфели 8 млрд. доллардан ошгани ташқи сиёсатимиз борасида сезиларли натижаларга эришганимизнинг яққол исботидир.

Биз, халқ вакиллари мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар каби кўплаб соҳаларда тузилган шартнома ҳамда келишувлар ўз вақтида, сифатли бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришимиз, бу борада парламент ва депутатлик назоратини янада кучайтиришимиз лозим.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари.**

## ВАЗИРЛИККА НОМЗОД ЎЗ ЛАВОЗИМИГА ЛОЙИҚЛИГИНИ ДЕПУТАТЛАР ОЛДИДА ИСБОТЛАШИ КЕРАК

*Юртимизнинг ички ва ташқи сиёсатида энг муҳим бўлган вазифалар Мурожаатномада белгилаб берилди. Бу нафақат биз, депутатлар, балки бутун халқимизга катта куч, шижоат бағишлади.*

Биргина мисол, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари — вазирларни Президент томонидан тайинлаш олдидан вазирликка номзод ўз лавозимига лойиқлигини депутатлар олдида исботлаши хусусида ҳам сўз борди. Бу сайловчилар томонидан депутатларга кўтарилаётган масалаларнинг айнан ўша номзод ечимини топишга қодирми ёки йўқми, деган аниқ тамойилдан келиб чиқиб, номзодга холисона ва адолатли баҳо бериш имконини яратади.

Мазкур тартиб парламент ўзи кўрсатган номзоддан белгилаб олинган вазифаларнинг таъминланишини назорат қилиши ва керак бўлса, талаб қилиб олишида ҳам самарадорлик ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, Мурожаатномада белгилаб олинган ҳар бир масаланинг қоғозда қолиб кетмасдан, амалиётга, яъни ҳаётга тўлиқ татбиқ қилиниши борасида ҳар чоракда Ҳукуматнинг парламент олдида ҳам ҳисоб бериб бориши давлат раҳбари томонидан халқ вакилларига кўрсатилган катта ишонч намунасидир. Бундай эътироф юқори ва қуйи палатага юклатилган улкан масъулият ҳамдир. Шу боис ҳар бир бўғиндаги депутат доимий равишда ўз устида фаол ишлаши, замон қўяётган талабларга мос бўлиши ва халқимиз ишончини оқлашга интилиши зарур.

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси.**

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ — ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШГА

*Президентимиз Мурожаатномада ҳудудлардаги иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни жадаллаштириш ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш хусусида тўхталди.*

Унда таъкидланишича, шу йилдан бошлаб солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилмоқда. Ана шу ўзгаришлар ҳисобидан ҳудудларда бугунга қадар 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ йиғилди. Натижада жорий йилда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилган маблағлар 2017 йилдагига нисбатан 6 баробар ёки 2016 йилдаги билан қиёсланганда 36 баробарга кўпайди.

Бу маблағлар нимага йўналтирилади? Аввало, жойларда ижтимоий соҳани ривожлантиришга. Қолаверса, ёрдамга муҳтож оилаларга янада яқинроқ кириб боришга, янги иш ўрни яратишга сарфланади. Бунинг учун 2019 йилда маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича маҳаллий ҳокимликларга кенг ваколатлар берилади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги ва унинг даромадларини оширишга, қўшимча янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Бунинг учун ҳар биримиздан изланиш ва ташаббускорлик талаб этилади. Фаолиятимизни танқидий-таҳлилий кўриб чиқишимиз, ўзимизнинг, халқимизнинг тўкин, фаровон ҳаёти учун бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз мақсадга мувофиқ.

**Акмал ЖУМАБОЕВ,**
**халқ депутатлари Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши депутати.**

## ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИНИ БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА БОР САЛОҲИЯТИМИЗНИ ИШГА СОЛАМИЗ

*Мурожаатномада келгуси йилнинг муҳим вазифалари қатори мактабгача таълим соҳасининг қамраб олингани мамлакатимизда бу борадаги сиёсатнинг мунтазам ва ўзгармас эканини яна бир бор исботлайди.*

Президентимиз 2019 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини узлуксиз ошириш орқали уни 44 фоизга етказиш вазифасини қўйди. Бу, аввало, замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишни давом эттириш, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш мактабгача таълим сифатини оширишнинг энг муҳим йўналишидир. Шу боис мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий қилишга қаратилган ишларни давом эттирамиз.

Инсоннинг шахс сифатидаги қарашлари, асосий тушунчалари унинг болалигиданоқ шаклланишини инобатга олиб, эртамиз эгалари камолотига инвестиция йўналтириш хусусида ҳам сўз борди. Зеро, келажагини буюк кўришни истаган халқ фарзандларига шунга мос таълим-тарбия беради. Президентимизнинг бу борадаги даъватига лаббай, деб жавоб берамиз ва хайрли ташаббусларни юқори савияда давом эттирамиз.

**Агрепина ШИН,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси, мактабгача таълим вазири.**

## САРМОЯ КЎПАЙСА, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЖАДАЛ РАВНАҚ ТОПАДИ

*2018 йилда Фарғона вилоятини комплекс ривожлантириш бўйича дастур доирасида умумий қиймати 2 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ 461 лойиҳа амалга оширилиб, уларда 7 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Жумладан, 204 та саноат, 137 та хизмат кўрсатиш ва сервис, 120 та қишлоқ хўжалиги йўналишида лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилди.*

Дастур доирасида саноат бўйича ишга туширилган 204 та лойиҳанинг 15 таси кимё ва нефть-кимё, 10 таси машинасозлик, 46 таси қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, 35 таси озиқ-овқат, 55 таси тўқимачилик, 9 таси чарм-пойабзал, 3 таси фармацевтика соҳасини қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2019 йилни "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб номлашни таклиф этгани айни муддао бўлди. Инвестициялар қанча кўпайса, иқтисодиётимиз шунча ривожланади, аҳоли фаровонлиги ортади.

Фарғона вилоятида бўш турган, фойдаланилмаётган объектлар учун ишлаб чиқилган лойиҳалар доирасида 1,5 триллион сўмлик инвестицияларни ўзлаштириш ва 25 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш чораларини кўриш ҳам "Йўл харитаси"да белгиланган. Бугунги кунгача 2023 та объект ишга туширилиб, уларда 3968 та иш ўрни очилди. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан объектлардан фойдаланишда мулкдорларни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда.

**Восилжон НАЗАРОВ,**
**Фарғона вилояти хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**



## ПОЙТАХТ ТАЖРИБАСИ БУТУН МАМЛАКАТДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ

*Авваллари туман ҳокимлари маҳаллий Кенгаш даражасида ҳудуддаги иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда назорат механизмидан фойдаланишни йўлга қўймаган эди. Эндиликда ушбу муаммолар тизимли равишда ҳал этилади.*

Маълумки, 2018 йилда Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида давлат бошқарувининг янги тартиби амалга киритилди. Шаҳар ва туман ҳокимларига ҳудуддаги ижро хизмат соҳалари раҳбарларини тайинлаш ваколати берилди. Бу амалиёт авваллари тизимда бўлмаган. Бу билан самарасиз фаолият олиб бораётган кўплаб комиссия ҳамда кенгашлар тугатилиб, уларнинг ваколатлари тегишли ҳудудий соҳа органига берилди. Ижобий натижа келтираётган ушбу амалиёт энди бошқа жойларда ҳам жорий этилади. Келгусида ҳокимнинг айни халқ депутатлари Кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатишига доир тартиб бекор қилинишини Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтди.

Олий Мажлис палаталари раҳбарларига 2019 йил давомида ушбу масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, амалий чоралар дастурини қабул қилиш тавсия этилди.

Ўтган йили Тошкент шаҳрида сайлов жараёни адолатли тарзда ўтказилганини, ҳудудлардан манаман, деган номзодлар ҳам ўта олмай қолганини кўрдик. Мамлакатимизда 2019 йили Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга навбатдаги сайлов бўлиб ўтади. Юртимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсий жараённи миллий қонунчилигимиз ва халқаро стандартлар асосида юқори савияда ташкил этиш учун ҳар томонлама тайёргарлик ишларини бошлашимиз зарур.

Бу йилги Мурожаатнома сенаторлар, депутатлар ва уни тинглаган барча ҳамюртларимизнинг қалбидан, юрагидан жой олди, десам янглишмайман.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЮҚОРИ СИФАТ БОСҚИЧИГА КЎТАРИЛАДИ

*Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида олдимизда турган, халқимиз ҳаётига дахлдор бўлган долзарб масалалар хусусида атрофлича сўз юритди. Келгусида ҳар бир соҳада амалга оширилиши зарур бўлган мақсад ва вазифалар белгиланди.*

Жумладан, олий таълим тизимини замон стандартлари асосида ривожлантиришимиз, халқаро ҳамкорликни кучайтиришимиз, ёшларга янада кенг имкониятлар яратишимиз талаб этилади.

Олий таълим муассасаларига ёшларни қамраб олиш кўрсаткичлари янада оширилади. Абитуриентларнинг ўзлари истаган касб мутахассиси бўлиши учун янада кўпроқ қулайликлар бериш мақсадида уларга бир вақтнинг ўзида бир неча университетларга ҳужжат топшира олиш имконияти яратилади.

Шунингдек, бакалавриат босқичида таҳсил олаётган талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш учун зарур шароитлар янада кенгайтирилади. Бу уларнинг хориж тажрибасидан хабардор, замонавий билимларга эга, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш борасидаги ушбу вазифаларни изчил, ҳар томонлама пухта амалга ошириш учун бизда барча имконият бор.

**Ином МАЖИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири.**

## КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

*Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тингларканман, юксак масъулият залворини ҳис этдим.*

Кейинги йилларда маҳаллаларимизда ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлашиши, бу борада амалга оширилган ислоҳотлар фуқароларимизнинг маҳаллий ҳокимият органларига ишончини орттирди. Ўтаётган йилда вилоятимиз маҳаллаларида жиноятлар сони қарийб икки баравар қисқарди.

Мурожаатномада тинчлик ва осойишталик мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили сифатида таъкидланиб, маҳалланинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилди. Бу ҳар биримизга юксак масъулият юклайди.

**Нормурод ИСОҚОВ,**
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгашининг биринчи ўринбосари.**

## ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛАЙЛИК

*Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини катта қизиқиш билан кутгандик. Мурожаатномада якунланаётган йилнинг сарҳисоби бўлиши билан бирга, келаётган йилнинг энг муҳим вазифалари ҳам белгилаб берилади.*

Юртбошимиз ортда қолаётган йилга кенг қамровли баҳо берди. Эришилган ютуқларни биз, оддий фуқаролар ҳар қадамда, ҳаётимизнинг ҳар дақиқасида ҳис этиб турибмиз. Айниқса, таълим тизимидаги сўнгги ислоҳотлар, соҳанинг моддий-техника таъминоти, устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик сингари чора-тадбирларни санаб адоғига етиш мушкул.

Президентимиз жорий йилги Мурожаатномада умуммиқёсда маррани баланд олганмиз, дея таъкидлади. Албатта, ушбу марра Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги билан бевосита боғлиқ. Шу мақсад йўлидаги механизмлар, ислоҳотлар хоҳ раҳбар бўлсин, хоҳ оддий ходим, ҳар биридан замон билан ҳамқадам бўлишни талаб этади.

Мен ўқитувчиман. Нафақат таълим муассасамиз, балки маҳалла-кўйда ҳам бугунги ислоҳотлар ҳақида суҳбатлашамиз. Суҳбатдошларимизнинг бугунги ўзгаришлардан мамнунлиги, бунга ўзларини дахлдор ҳис этишлари қувонарли, албатта.

Кўп нарса элнинг фаоллигига ҳам боғлиқ. Қўл қовуштириб, "олма пиш", деб ўтирадиган замонлар ўтди. Шу жиҳатдан сўнгги икки йилни "Ибрат йиллари", дегим келади. Буёғига ҳам астойдил, ҳамжиҳатликда иш юритсак, белгилаб берилган марраларга эришишимиз муқаррар.

**Акбар ОТАБОЕВ,**
**Нурота туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси.**

## МАҲСУЛОТИМИЗНИ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРАМИЗ

*Мамлакатимиз етакчисининг парламентга Мурожаатномасини диққат билан эшитдик. Кириб келаётган 2019 йилга "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб ном берилгани иқтисодиётимиз тараққиётида янги давр бошланганидан далолатдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, инвестициялар — иқтисодиёт драйвери. Бошқача айтганда, уни ҳаракатлантирувчи локомотивдир.*

Шу маънода, Янги йилда барча манбалар ҳисобидан 138 триллион сўмлик инвестициялар жалб қилиниши кутилаётгани алоҳида эътиборга молик. Бу 2018 йилдаги кўрсаткич билан таққосланса, 16 фоиз кўп экан.

Биз ҳам 2019 йилнинг биринчи чорагида йирик инвестициявий лойиҳамизнинг илк босқичини ишга туширмоқчимиз. Яъни Беларусь Республикасидаги ҳамкорларимиз билан болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарадиган фабрикани фойдаланишга топширамиз. Бунинг учун 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қиляпмиз. Натижада март ойида дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланади.

Лойиҳанинг иккинчи ва учинчи босқичларида эса яна 7 миллион доллар миқдорида инвестиция ўзлаштирилиб, 250 та иш ўрни яратилади. Тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг 50 фоизини экспорт қилишни мўлжаллаб турибмиз.

**Акром МУЗАФФАРОВ,**
**Тошкент шаҳридаги «Funny Toys Plast» МЧЖ раҳбари.**

## ХОТИН-ҚИЗЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРДАН БЕҲАД МАМНУНМИЗ

*Давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасини телевизор орқали тинглаб, тўлқинланиб кетдим. Боиси унда ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмади. Айтилган фикрлар мана шу мамлакатда истиқомат қилаётган, унинг эртаси учун ўзини масъул, деб билган ҳар бир фуқарони сергакликка ундайди.*

Фарзандим Маъруфжон Исоқов биринчи гуруҳ ногирони бўлгани боис бирор жойда ишлай олмайман. Юртбошимизнинг биз каби ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларга яратилган шароит ҳақидаги фикрларидан кўзимга ёш қалқди. Ваҳолонки, жорий йилда ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилди. Айниқса, кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож, яшаш шароити оғир ва ногиронлиги бўлган шахсларга катта эътибор кўрсатилди. Қаранг, биргина Андижон вилоятининг ўзида 650 нафар мен каби опа-сингилларимиз янги тураржой биноларига эга бўлишибди. Ўғлимга ҳам Андижон туманининг Чем маҳалласидаги Мусаффо кўчасидан арзонлаштирилган тураржой ажратилдики, бундан бениҳоя хурсандмиз. Президентимиз келгуси йилда хотин-қизларга эътибор янада кучайтирилишини айтдилар.

Бу сўзлардан руҳланиб давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларда барчамиз фаол иштирок этамиз.

**Нигорахон ИСОҚОВА,**
**Андижон тумани, «Ҳақан» МФЙ, Қумкўча кўчаси, 24-хонадонда истиқомат қилувчи уй бекаси.**

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

*Мурожаатномани тинглаб, уни келгуси йил учун барча соҳа истиқболига қаратилган "йўл харитаси" сифатида қабул қилдим. Чунки унда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳалар тўлиқ қамраб олинган. Айниқса, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар, айтилган фикр-мулоҳазалар биз, ёш ишбилармонларга бизнес борасидаги билимимизни бойитиш имконини берди.*

Туманимиз Сирдарё вилоятининг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади. Компьютер ва ахборот технологияларидаги инновацион ўзгаришлар чекка ҳудудларга анча кеч кириб келади. Бунга, албатта, соҳа мутахассислари етишмаслиги, хизмат кўрсатиш тизими яхши йўлга қўйилмагани каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Шу боис мен компьютер ва бошқа АКТ жиҳозларига техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйдим. Бунда "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури асосида 50 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилгани айни муддао бўлди.

Юртбошимизнинг чиқишларидан сўнг менда янги ғоя туғилди. Фаолиятимизни кенгайтириб, нафақат техник хизмат кўрсатиш, балки услубий-малакавий кўмак бериш йўналишини ҳам йўлга қўймоқчиман. Шохобчамиз томонидан мижозлар билан шартнома тузилар экан, унда компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланишга оид барча масалада етарли кўникмага эга бўлишлари учун ҳам ёрдам беришга тайёрлигимизни билдиряпмиз.

**Ойбек СИДДИҚОВ,**
**ёш тадбиркор.**
Ховос тумани

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросининг бориши тўғрисидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Президент қарори асосида Марказий сайлов комиссияси тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда тасдиқланган Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурида белгиланган барча вазифалар ўз муддатида, изчил ижро этилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг янги ташкилий-штат тузилмаси тасдиқланиб, унинг регламентини ҳамда котибият низомини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Марказий сайлов комиссиясининг олий юридик маълумотга эга бўлган доимий асосда ишловчи комиссия аъзолари ва котибият ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланди.

2018 йилда Марказий сайлов комиссияси 24 та мажлис ўтказиб, 38 қарор қабул қилди. Шунингдек, қонун ижодкорлиги йўналишида Сайлов кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ҳукумат портали ҳамда Марказий сайлов комиссияси сайтида эълон қилинди. Ҳудудларда 278 тадбир ўтказилди, уларда 30 мингдан зиёд фуқаролар иштирок этди ва 400 дан ортиқ таклифлар билдирилди.

Марказий сайлов комиссияси Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (БСОА), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) каби халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди, хорижий мамлакатлар сайлов органлари билан алоқалар мустаҳкамланди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг вакиллари Фиджи Республикасида бўлиб ўтган БСОА Ижроия кенгашида, Италия Республикасида Европа Иттифоқининг Венеция комиссияси сессиясида ва Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро конференция ишларида иштирок этди. Комиссия вакиллари МДҲ ҳамда ШҲТ миссиялари, БСОА экспертлари таркибида Россия Федерацияси, Туркманистон, Озарбайжон, Малайзия, Жанубий Корея, Туркия, Латвия, Арманистонда бўлиб ўтган президент ва парламент сайловлари ҳамда референдумларида халқаро кузатувчи сифатида қатнашди. Бундан ташқари, сайлов ҳуқуқи соҳасидаги миллий экспертларимиз Сербия ҳамда Корея Республикасида ташкил этилган ўқув-тренингларда қатнашди.

